

**Москва ва бутун Русь Патриархи КИРИЛЛНИНГ архипастирь, пастирлар,  
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг  
барча содиқ жамоатига  
Рождество мурожаати**

**Худовандга содиқ архипастирлар, софдил кашишлар ва диаконлар,  
Худовандга ихлосли зоҳид ва зоҳидалар, қадрли ака-укалар ва опа-  
сингиллар!**

Барчангизни буюк ва нажотбахш Раббимиз Исо Масих мавлуди – Рождество байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Бугун биз, икки минг йил аввал Байтлаҳм қўйчивонлари каби дилда қувонч ва меҳр ила аришталар сасига кулоқ тутамиз: *“Самодаги Худога ҳурмату иззат, Ердаги бандаларга тинчлигу марҳамат”* (Лк. 2, 14). Бу ажиб каломни туйган қалбларимиз овунади ва Яратганга шукроналар келтирамиз. Парвардигори Оламнинг ўзи, *Мустаҳкам Худо ва Абадият Отаси* (Ис. 9, 6) бизнинг дунёга келиб, оддий инсон қиёфасида таваллуд топди. Муқаддас Руҳ орқали ваҳий берган Забур куйчиси бўлмиш шоҳ башорати амалга ошди: *Иноят ва Ҳақиқат учрашгай, Адолат ва Тинчлик ўпишгай, Ҳақиқат ердан униб чиққай, Адолат эса кўкдан ёққай* (Забур 84, 11-12). Мана, рўёбга чиқди: *Чақалоқ туғилди бизга – Бизга ўғил берилди* (Ис. 9, 6), *токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эришсин* (Юн. 3, 16).

Бугун тарихи давомида инсоният интиқ бўлиб, ўз Яратгани билан бой берилган алоқани қўмсаган ҳолда, Худони излади. Шу саъй-ҳаракатларга жавобан, осмонга интилган қўллар ва дилларга жавобан Худованд инсон қавмига меҳр ила Ўз марҳаматини кўрсатди ва Ўзининг ҳалоскор қўлларини Ўзи бизга чўзди. Узок минг йиллардан сўнг Исо Масих Сиймосида Худо ва инсон учрашди, осмон ва ер унсури бирлашди, Одам ато ўғиллари ва қизларининг маънавий орзу-ниятлари рўёбга ошди.

Иса Масих Мавлуди биз учун ҳам Сир, ҳам Ваҳий, зеро инсон тафаккури қандай қилиб Дунёни Яратган ва Бошқарган, Ўз моҳиятига кўра Ҳадсиз Худо бизнинг гуноҳларга ботган дунёга тушишини ва ўзини қўйчивонлар ва қўйлар ёғиндан пана топган ғорда туғилган ҳимоясиз Чақалоқ қиёфасида намоён этишини тушунишга ожиз. Тоғлар қудрати куйлаган, шарқ донолари ваъз этган ва оддий қўйчивонлар далолат берган шараф дунёнинг барча бурчакларида баралла эълон қилинди. Буларнинг бари бизга осийлар онги англамайдиган Худо синоатини очиб беради, инсонни ҳалос этган қалблар қўридаги Учлик ниятига дахлдор қилади.

Бугун биз биламиз: *Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эришсин. Худо оламни ҳукм қилиши учун эмас, балки Ўғли орқали қутқариши учун Ўғлини юборди.* (Юн. 3, 16-17). Энди Роббимиз Исо Масихга бўлган муҳаббатимизни инобатга олиб, *Худо билан оқлади ва биз билан сулҳ тузди. Роббимиз Исо Масих Ўзи Худонинг иноят эшигини бизга очиб берди, чунки бизга берилган Муқаддас Руҳ орқали юракларимиз Худо севгисига тўлиб-тошади* (Рим. 5, 1-2; 5).

Тинч ва ювош Чақалоқ ётган охур олдида иззат-икром ила бош эгайлик. Худо олдидаги кўрқув ва ҳаяжон ила бош эгайлик, зеро шу ерда Ҳазрати Исонинг ердаги масиҳ йўли бошланади, кутқарилишимиз ибтидоси шу ерда. Бош эгайлик ва Абадий Отанинг таваллуд топган Ўғлини шарафлаган ҳолатда дилларимизни тўлдирган, айтилмаган ва онг англамайдиган осудаликдан роҳатланайлик.

*“Самодаги Худога ҳурмат-у иззат, Ердаги бандаларга тинчлигу марҳамат!”* дея такрор ва такрор малакталарга жўр бўламиз. Ҳалоскор туғилишида намоён бўлган Худо севгиси инсонларга ҳақиқий тинчлик бахш этади. Бу тинчликни на турмуш ташвишлари, на ижтимоий ўзгаришлар, на сиёсий кайфиятлар ва на қуролли тўқнашувлар буза олади, зеро *Исо Масиҳ оламида шундай маънавий куч жо этилганки, у ҳар қандай дунёвий қайғу ва босқинларни янчиб ташлайди* (авлию Игнатий (Брянчанинов). Аскетлар тажрибалари).

Аммо, қалб осудалигига қандай эришиш мумкин? Қандай қилиб улкан маънавий тухфа соҳиби бўлиш мумкин? Авлиё оталар бу борада яқдиллар: *Масиҳ оламининг инсондаги ҳаракати у Инжил ақидаларига содиқлигининг муҳим аломатидир. Улар ичида, тарбият қилади бизни азали олий Павел – яна буларнинг устига камолот чўққиси бўлган муҳаббат тожини кийинглар. Масиҳ ато қилган тинчлик дилингизда ҳоким бўлсин. Сизлар бир баданнинг аъзолари каби тинч-тотув бўлишга даъват этилгансизлар. Шунингдек, миннатдор бўлинглар* (Кол. 3, 14-15).

Худо Ўзига инсонларнинг – Унинг қонунларига амал қиладиганларнинг, яқин-узокларига ҳидоят ҳақида далолат берадиганларнинг марҳаматини ва сизларни қоронғиликдан Ўзининг ажойиб нурига даъват этган (1 Пет. 2, 9). Ва шу сабаб *вертепда содир бўлган шонли Исо Масиҳ мавлудини кўрганлар, дунёнинг беҳуда ташвишларидан йироқлашайлик* (Исо Масиҳ акафистаси 8-қондак), ҳаёлан осмонларга кўтарилиб, Яратганни мадҳ қилайлик, Мужассам бўлган Ҳалоскор тўғрисида қувончимизни ғамхўрликка мухтожларга, қайғу гирдобида қолганларга ёки оғир шароитда яшаётганларга улашайлик.

Худованд барчамизни насронийлик ҳаётининг сермашаққат йўлларида бирлаштирсин, токи қалбларимиздаги эътиқод янада мустаҳкамлансин, ишонч сўнмасин, севги кўпайсин; токи мунаввар Рождество байрамига кирар эканмиз, эътиқодимизнинг сири эътироз қилиб бўлмайдиган даражада буюклигини (1 Тим. 3, 16) дунёга тинмай етказайлик, инсонларга юпанч ва Масиҳнинг марҳаматли тинчлигини улашайлик. Омин.

## **МОСКВА ВА БУТУН РУСЬ ПАТРИАРХИ**

*Исо Масиҳ Рождествоси*  
2018/2019 й.  
Москва

